Куч — адолатда

2014 йил
18 октябрь,
шанба
№ 42 (503)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.oliysud.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.



Ўзбекистон пахта толасининг халқаро эътирофи

Ўзбекистоннинг пахтаси ва тўқимачилик саноати дунё миқёсида энг сифатли ва харидоргир маҳсулотлардан ҳисобланади. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган X Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси ҳар томонлама самарали ўтгани мисолида ҳам бу юксак баҳо яна бир бор ўз тасдиғини топди.

Жорий йилнинг 13-14 октябрь кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган ушбу халқаро форум юртимиз ишлаб чиқарувчилари ва хорижий харидорлар ўртасида иқтисодий алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилди. Мазкур тадбир доирасида 580000 тонна ўзбек пахта толаси ҳамда умумий қиймати бир миллиард АҚШ долларидан зиёд тўқимачилик маҳсулотлари савдоси бўйича шартномалар имзолангани бунинг яққол далилидир.

Президентимиз томонидан 2005 йилда асос солинган ушбу тадбир дунё пахта ва тўқимачилик саноати мутахассислари, олимлар, енгил саноатнинг йирик корхоналари ва савдо компаниялари вакиллари интиқиб кутадиган энг нуфузли форумлардан бирига айланди.

Давлатимиз раҳбари томонидан биринчи ярмарка иштирокчиларига йўлланган табрикда, жумладан, шундай дейилган эди: "Ишончим комилки, мазкур ярмарка ўзбек пахтасини экспорт қилиш борасида Ўзбекистоннинг ва ҳамкорларимизнинг узоқ муддатли манфаатларига мос келадиган янги, самарали воситаларни ривожлантиришга, истиқболда янада ишончли, барқарор иқтисодий муносабатлар ўрнатиш учун мустаҳкам асос яратишга хизмат қилади".

Ўтган ўн йиллик тарихга назар ташласак, буларнинг барчасига амалда эришилганига амин бўламиз. Негаки, ярмарка, том маънода, ўзбек пахта толасининг жаҳон бозори мақомига сазовор бўлди. Қисқа давр ичида жаҳон пахта бозори тақвимида мустаҳкам ўрин эгаллаган Тошкент форуми соҳанинг энг муҳим тадбирлари сирасига киради. Ўзбекистон эса, нафақат юқори сифатли саноатбоп пахта етиштирувчи мамлакат, балки уни кафолатли етказиб берувчи ишончли ҳамкор сифатида ҳам доврўқ қозонди.

Ўзбекистон билан пахта бизнесида ўзаро манфаатли алоқаларни кенгайтиришга бўлган қизиқиш йил сайин ортиб бораётир. 2005 йилда Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасида 30 мамлакатдан 170 га яқин компания вакиллари қатнашган бўлса, жорий йилда элликка яқин давлатдан 1000 дан ортиқ фирма ва компания вакиллари ташриф буюрди.

(Давоми учинчи бетда)

Munosabat va mulohaza

Сиёсий партиялар

уларнинг сайловларда иштирок этишининг ҳуқуқий асослари

Мамлакатимизда кенг кўламда амалга оширилаётган ижтимоий ва иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий, маънавий ва маърифий ислоҳотлар жараёнида жамиятнинг бошқа институтлари қатори сиёсий партиялар иштироки ҳам алоҳида ўрин тутади. Президентимиз Ислом Каримов Конституциямиз қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида таъкидлаганидек, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тараққиётнинг аниқ устувор йўналишларини белгилаб олишда сиёсий партияларнинг ролини кескин кучайтириш, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш бўйича стратегик вазифаларни ҳал этишда уларнинг иштирокини кенгайтириш демократик ислоҳотларни изчил амалга оширишнинг энг муҳим омилига айланмоғи зарур.

Айтиш керакки, Конституциямизнинг 60-моддасида "Сиёсий партиялар турли табақа ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифодалайдилар ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этадилар", деб белгиланган. Ушбу конституциявий меъёр сиёсий партияларнинг мамлакатда амалга оширилаётган демократик жараёнларда фаол иштирок этишини кафолатлайди.

Сиёсий партиялар томонидан мазкур вазифаларни амалга оширишда давлат ҳокимияти органларига бўладиган сайловлар ғоят муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатимизда сиёсий партияларнинг сайловлар жараёнидаги иштирокини тартибга солувчи умумэътироф этилган, демократик принципларни ўзида мужассам этган қонунлар тизими яратилган.

(Давоми иккинчи бетда)

Ҳужжат имзоланди

Ўзбекистон Республикаси Олий судида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибининг ўринбосари, БМТ Тараққиёт дастурининг раҳбари Ҳелен Кларк билан учрашув бўлиб ўтди.

Учрашувда Президент Ислом Каримов томонидан баён этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ юртимизда ҳуқуқий давлат асосларини мустаҳкамлаш, суднинг мустақиллигини таъминлаш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳақида сўз юритилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Ш.Ғозиев давлатимиз раҳбари раҳнамолигида Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш ва либераллаштириш борасида изчил ислоҳотлар амалга оширилаётгани, бу қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқларини таъминлашга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда БМТ билан ҳамкорликда суд-ҳуқуқ соҳасида ҳам қатор дастурлар, қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда. 2010 йил 16 декабрда Олий суд ҳузуридаги Тадқиқот маркази ва БМТ Тараққиёт дастури ўртасида Ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланган. Бугунги кунда ўзаро ҳамкорликда "Фуқаролик судлари иш юритувини такомиллаштириш: самарали суд бошқаруви" лойиҳаси бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Олий суди билан БМТ Тараққиёт дастури ўртасида "Ўзбекистонда қонун устуворлиги соҳасидаги шериклик" қўшма лойиҳасини амалга оширишга доир битим имзоланди.

БМТ Бош котиби ўринбосари мамлакатимизнинг бошқа вазирлик ва идораларида ҳам учрашувлар ўтказди.

Н.МАНЗУРОВА,
ЎзА мухбири

Yangi qonun mohiyati

Йўқолган жиноят иши

ёки унинг материалларини тиклашнинг ҳуқуқий асоси яратилди

Юртимизда қонун устуворлигини таъминлаш, шахс, жамият ва давлатнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатлари муҳофазасини кучайтириш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш, фуқароларни қонунга бўйсуниш ва ҳурмат руҳида тарбиялаш каби демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти қуришнинг муҳим шартларини мустаҳкамлашга, шунингдек, суд-ҳуқуқ тизимини янада эркинлаштириш ва демократлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

(Давоми учинчи бетда)

Олий суд Пленуми мажлиси



Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Олий суд судьялари, вилоят ва унга тенглаштирилган судлар раислари ҳамда фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судлар судьялари иштирок этди.

Мажлисда мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллий қонунчилик асослари инсон ва фуқаролар манфаатларига мос тарзда такомиллашиб бораётгани ва бунда қонун ижодкорлиги масаласи муҳим аҳамият касб этаётгани таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 83-моддасига мувофиқ қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланган ҳолда суд-ҳуқуқ тизимини, соҳага оид қонунчиликни такомиллаштиришга оид кўплаб қонун лойиҳалари тайёрланган. Улар тегишли тартибда қабул қилиниб, амалиётда самарали қўлланилмоқда.

(Давоми иккинчи бетда)

Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 4-моддасидан.

21-oktabr — «Davlat tili haqida»gi qonun qabul qilingan kun

Давлат тилига ҳурмат – ҳар биримизнинг бурчимиз

Болаликда Тошкент кўчаларининг номини ўқиганим ёдимда: "Тюменская", "Кисловодская", "Новомосковская", "1, 2, 3, 4, 5, 6, 7- Магнитогорская", "Пролетарская".

Мустақиллик шарофати билан жой номлари, кўча ва маҳаллалар мазкур географик жойнинг тарихи, унинг ўзига хослиги, миллий анъана ва қадриятларимизга мос тарзда номлана бошланди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёшлар маънавиятини юксалтириш, ибратли анъана ва қадриятларимизни тиклаш, эъзозлаш, она тилимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, унга давлат тили мақомини бериш борасидаги эзгу саъй-ҳаракатлар ўтган асрнинг 80-йиллари охирларидан бошланган Ўзбекистонимизнинг ўз мустақиллиги йўлида қўйилган дастлабки қадамлардан бўлгани кенг жамоатчилик томонидан кўп бор эътироф этилган.

(Давоми тўртинчи бетда)

Qonun ko`magi

Тадбиркорлар ҳуқуқи ҳимояси йўлида

Юртимизда иқтисодий тараққиётимиз ва фаровон турмушимизнинг муҳим омили саналган тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг эркин фаолият юритиши учун барча шарт-шароитларни яратиб беришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

(Давоми учинчи бетда)

Олий суд Пленуми мажлиси

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Пленум мажлисида "Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ва уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритиш масаласи муҳокама этилди.

Қонун лойиҳасида Фуқаролик-процессуал кодексининг 93, 94, 131, 331, 368-моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилмоқда. Жумладан, Фуқаролик-процессуал кодексининг 93-моддасини суд топшириқлари юборилганда суднинг иш юритишни тўхтатиб туриш ҳуқуқини назарда тутувчи 6-банд билан, 94-моддасини суд топшириғини ижро этиш бўйича ҳаракатлар тугагунга қадар иш юритишни назарда тутувчи 9-банд билан, 131-моддасига ўта мураккаб фуқаролик ишларини судда кўришнинг муддатини икки ойга қадар узайтиришни белгиловчи норма билан тўлдириш ҳақида таклиф киритилган.

Муҳокама этилган қонун лойиҳасида Фуқаролик-процессуал кодексининг 331-моддасига аппеляция инстанциясида иш кўриш муддатини бир ой қилиб белгилаш юзасидан ўзгартиш киритиш, 368-моддасига эса, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарорни янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш ҳақидаги аризани қаноатлантириш тўғрисида суднинг чиқарган ажрими устидан хусусий шикоят берилиши ёки хусусий протест келтирилиши мумкинлигини белгиловчи ўзгартиш ва қўшимчаларни киритиш таклиф этилган.

Амалдаги Фуқаролик-процессуал кодексига мазкур ўзгартиш ва қўшимчаларнинг киритилиши суд ишларини юритишдаги айрим камчиликларни бартараф этиб, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилишга хизмат қилади.

Йиғилишда кўриб чиқилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири

Muloqot

Савол беринг, жавоб берамиз

— Айтинг-чи, уй-жой ижараси шартномаси қанча муддатга тузилади? Ижара учун ҳақ тўлаш тартиби қандай амалга оширилади?

Ғ.Маҳмудов,
Бухоро шаҳри

— Уй-жойни ижарага бериш шартномаси беш йилдан ортиқ бўлмаган муддатга тузилади, агар шартномада муддат кўрсатилмаган бўлса, у беш йилга тузилган ҳисобланади. Ижарага олувчи янги муддатга шартнома тузишда имтиёзли ҳуқуққа эга бўлади.

Агар ижарага берувчи уй-жойни бир йилдан кам бўлмаган муддатда ижарага бермасликка қарор қилган бўлса, у янги муддатга шартнома тузишни рад қилишга ҳақли.

Шунингдек, уй-жой учун тўланадиган ҳақнинг миқдори Фуқаролик кодексининг 611-моддасига мувофиқ тарафларнинг ўзаро келишувига биноан уй-жойни ижарага бериш шартномасида белгилаб қўйилади. Башарти, қонунга мувофиқ уй-жой учун тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдори белгилаб қўйилган бўлса, шартномада белгиланган ҳақ ана шу миқдордан ошиб кетмаслиги керак.

Уй-жой учун ҳақ ижарага олувчи томонидан уй-жойни ижарага олиш шартномасида назарда тутилган муддатларда тўлаб турилиши, агар шартномада бундай муддатлар назарда тутилмаган бўлса, ҳақ ижарага олувчи томонидан ҳар ойда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўлаб турилиши шарт.

Бир йил олдин ўғлимга мол-мулкимни қолдириш тўғрисидаги васиятномани нотариал тартибда расмийлаштирган эдим. Ҳозирда ушбу васиятномага бир оз ўзгартиш киритиш зарурати туғилаяпти. Бунинг имкони борми?

О.АЪЗАМОВ,
Наманган вилояти

— Маълумки, Фуқаролик кодексининг 1127-моддасига биноан, сиз васиятномани исталган вақтда бекор қилиш ёки унга ўзгартиш киритиш ҳуқуқига эгасиз. Бунинг учун васиятномани расмийлаштирган нотариусга мурожаат қилишингиз зарур. Бунда аввалги васиятнома тўлалигича ёки унинг кейинги васиятномага зид қисми бекор қилинади.

Саволларга Олий суд катта консультанти Гулнора МИРЗААЛИМОВА жавоб берди.

Munosabat va mulohaza

Сиёсий партиялар

уларнинг сайловларда иштирок этишининг ҳуқуқий асослари

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Бу ҳақда сўз борганда, аввало, **"Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"**ги Конституциявий қонун, **"Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"**, **"Сиёсий партиялар тўғрисида"**, **"Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида"**, **"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"**, **"Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"** ҳамда **"Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"**ги қонунларни алоҳида қайд этиб ўтиш лозим.

Маълумки, мамлакатимиз парламенти икки палатали тизимга ўтганидан сўнг сайлов жараёнини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари ҳам такомиллаштирилди. Ўтган сайлов натижалари шуни кўрсатдики, доимий ишлайдиган, профессионаллардан ташкил топадиган парламентнинг қуйи палатасида ҳар бир партия имкони борича кўпроқ ўрин эгаллашга ҳаракат қилди. Қонунчилик палатасидаги партиялар фракциялари фаолиятида аниқ мақсад, соғлом рақобат муҳити юзага келди.

Сайловда иштирок этиш: ҳуқуқий кафолатлар

Мамлакатимизда сиёсий партияларнинг сайловлар жараёнидаги иштирокини таъминловчи ҳуқуқий механизмлар ўзаро узвий, бир-бирини тўлдирувчи ва такомиллашиб борувчи хусусиятга эга бўлган яхлит тизимни ташкил этади. Зеро, сиёсий партиялар демократиянинг энг таъсирчан механизми бўлган сайлов жараёнининг асосий субъекти ҳисобланади.

"Сиёсий партиялар тўғрисида"ги қонуннинг 12-моддасида сиёсий партияларнинг ҳуқуқлари белгиланган бўлиб, унда қонунда белгилаб қўйилган тартибда давлат ҳокимияти органлари сайловларида иштирок этиш ҳуқуқи ҳам ўз аксини топган.

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги қонуннинг 20-моддасига биноан, сиёсий партия сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинган кундан камида тўрт ой олдин Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган, сайловда иштирок этишини қўллаб-қувватловчи камида қирқ минг сайловчининг имзосини тўплаган тақдирдагина депутатликка номзодлар кўрсатиши мумкин.

Депутатликка номзод кўрсатишга оид ҳуқуқлар

Сайлов кампанияси даврида, миллий қонунчилик талаблари доирасида сиёсий партияларга депутатликка номзод кўрсатиш ҳуқуқи берилиши демократиянинг энг муҳим хусусиятларидан биридир. Бу ҳуқуқ, ҳеч шубҳасиз, сайловнинг кўппартиявийлик негизида, муқобиллик асосида ўтишини таъминлайди ва сайловчиларга овоз беришда танлаш имкониятини беради.

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги қонуннинг 22-моддасига биноан, Қонунчилик палатасига депутатликка номзодлар кўрсатиш сайловга олтмиш беш кун қолганида бошланади ва сайловга қирқ беш кун қолганида тугайди. Депутатликка номзодлар сиёсий партияларнинг юқори органлари томонидан кўрсатилади.

Сиёсий партиялар депутатликка бир юз ўттиз беш нафар номзод, яъни ҳар бир сайлов округидан биттадан депутатликка номзод кўрсатиш ваколатига эгадир.

Сайловолди ташвиқоти: тури, шакл ва усуллари

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида 2012 йил 19 декабрда қабул қилинган "Сайлов эркинлиги янада таъминланиши ва сайлов қонунчилиги янада ривожлантирилиши муносабати билан "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги ҳамда "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонунга мувофиқ, сайловолди ташвиқотини олиб бориш билан боғлиқ масалалар қонунчилигимизда аниқ тартибга солинди.

Аввалам бор, ушбу қонунда "сайловолди ташвиқоти" тушунчасига таъриф берилган. Яъни сайловолди ташвиқоти — сайлов кампанияси даврида амалга ошириладиган ва сайловчиларни депутатликка номзодни ёки сиёсий партияни ёқлаб овоз беришга ундашга қаратилган фаолият. Сайловолди ташвиқоти депутатликка номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан бошланади.

Сайловолди ташвиқотини олиб боришнинг турлари, шакллари ва усуллари қонунда аниқ белгилаб қўйилган.

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 27-1-моддасига биноан, сайловолди ташвиқоти қуйидаги тарзда олиб борилади. Биринчидан, сиёсий партия дастури ва (ёки) сайловолди платформаси тўғрисидаги ахборотни ўзининг депутатликка номзодларини ёқлаб овоз беришга даъват этган ҳолда тарқатади. Иккинчидан, депутатликка номзод тўғрисидаги ахборот уни ёқлаб овоз беришга даъват этган ҳолда тарқатилади.

Қонунда сайловолди ташвиқотини олиб боришнинг шакллари белгиланган бўлиб, омма олдида мунозаралар, баҳслар, матбуот конференциялари, интервьюлар, сўзга чиқишлар, сайловчиларнинг йиғилишлари, депутатликка номзод, сиёсий партия тўғрисидаги роликларни жойлаштириш шулар жумласидандир.

Қонунда сайловолди ташвиқотини олиб боришнинг уч хил усули кўрсатилган. Биринчи усул — сайловолди ташвиқотини оммавий ахборот воситалари, шунингдек, телевидение, умумий фойдаланишдаги ахборот-телекоммуникация тармоқлари, шу жумладан, Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали амалга ошириш. Иккинчиси — босма, кўргазмали, аудиовизуал ва бошқа ташвиқот материалларини, яъни плакатлар, варақалар ва бошқа материалларни чиқариш ҳамда тарқатиш орқали сайловолди ташвиқоти олиб бориш. Учинчи усул — сайловолди ташвиқотини сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш орқали амалга ошириш.

Шунингдек, қонунда депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар сайловолди ташвиқотини олиб боришнинг қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа турлари, шакл ва усулларидан ҳам фойдаланиши мумкинлиги назарда тутилган.

Ваколатли вакил ва кузатувчилар мақоми

Миллий қонунчилигимизда сиёсий партияларга тегишли бўлган ваколатли вакил ва кузатувчиларнинг мақоми, ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳам белгилаб қўйилган. Хусусан, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги қонуннинг 6-моддасига мувофиқ, Қонунчилик палатаси сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни сайлов комиссиялари очиқ ва ошкора амалга оширадилар. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек, сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан биттадан кузатувчи, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар. Уларнинг ваколатлари тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган бўлиши керак.

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги қонуннинг 17-1-моддаси "Сиёсий партиянинг ваколатли вакили" деб номланган. Ушбу моддада Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партия сайлов участкасида овозларни санаб чиқишда иштирок этиш учун Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланадиган тартибда ўз аъзолари орасидан ваколатли вакил тайинлашга ҳақли эканлиги қайд этилган.

Айтиш керакки, миллий қонунчилигимизда сиёсий партиялар вакилларининг сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек, сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда иштирок этишининг кафолатланганлиги, ҳеч шубҳасиз, сайлов жараёнининг ҳар бир босқичида демократик тамойиллар устуворлигини рўёбга чиқаришнинг яққол тасдиғидир.

Буларнинг барчаси, ўз навбатида, сайловларнинг очиқ ва ошкора, холис ва адолатли, қонун талаблари ва демократик принциплар асосида ўтишига хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда бўлиб ўтадиган ғоятда муҳим ижтимоий-сиёсий тадбирда сиёсий партияларнинг фаол иштирок этиши учун миллий қонунчиликда зарур ҳуқуқ ва эркинликлар кафолатланган. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комисияси томонидан ана шу ҳуқуқларнинг тўлиқ ва қатъий амалга оширилиши таъминланмоқда.

Айни вақтда бўлажак сайловларда сиёсий партияларнинг сайловда иштирок этишининг ҳуқуқий асослари, бу борадаги янги ҳуқуқ ва кафолатлар амалда жиддий синовдан ўтишига эътибор қаратиш ўринли, деб ўйлаймиз. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидланганидек, "Сайловлар — бу мамлакатимизда амалда бўлган ҳуқуқий нормаларнинг нечоғлиқ демократик руҳда эканини намоён этадиган, демократик ҳуқуқий давлатнинг узвий белгиси, халқнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этишининг, фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокининг асосий шакли бўлиб, ўта муҳим ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга масаладир".

Мухтабар ҲУСАНОВА,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бош илмий ходими, юридик фанлар номзоди

Maslahat

Эксперт

у қандай ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга?

Аввало шуни айтиш керакки, Жиноят процессуал кодексининг 68-моддасида экспертнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида сўз юритилган. Унга кўра, эксперт:

- экспертиза предметига оид иш материаллари билан танишиш, улардан зарур маълумотларни ёзиб олиш ёки кўчирма нусхалар олиш;
- экспертизани ўтказиш учун зарур бўлган қўшимча материаллар ва текшириш объектлари тақдим этилиши ҳақида илтимосномалар бериш;
- суд муҳокамасида экспертиза предметига оид далилларни текширишда иштирок этиш ва сўроқ қилинаётган шахсларга суднинг рухсати билан саволлар бериш;
- ашёвий далиллар ва ҳужжатларни кўздан кечириш;
- хулосаси ёки кўрсатмалари процесс иштирокчилари томонидан нотўғри талқин қилинганлиги хусусида тергов ҳаракати ёки суд мажлиси баённомасига киритилиши лозим бўлган баёнотлар бериш;
- агар у иш юритилаётган тилни билмаса ёки етарлича билмаса, ўз она тилида хулоса тақдим этиш ва кўрсатмалар бериш ҳамда бундай ҳолда таржимон хизматидан фойдаланиш сингари ҳуқуқларга эга.

Экспертнинг мажбуриятлари доирасига:

- Жиноят процессуал кодексининг 76-, 78-моддаларида назарда тутилган асослар мавжуд бўлган тақдирда ўзини-ўзи рад этиши ҳақида дарҳол арз қилиш;
- ўзига тақдим этилган текшириш объектларини ҳар томонлама ва тўлиқ текширишдан ўтказиш, ўз олдига қўйилган саволлар юзасидан асосли ва холисона ёзма хулоса бериш;
- суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суднинг чақирувига биноан суриштирувда, дастлабки терговда ёки суд мажлисида иштирок этиш;
- тақдим этилган текшириш объектлари ва иш материалларининг сақланишини таъминлаш ва бошқа мажбуриятлари киради.

Акбар ЖАББОРОВ,
Олий суд катта консультанти

Saboq

Зиммадаги бурч

Мамлакатимизда бюджет ва солиқ соҳаларининг ҳуқуқий асослари изчиллик билан такомиллаштирилмоқда. Янги таҳрирда қабул қилинган Солиқ кодекси бу соҳадаги муносабатларни тартибга солувчи меъёр ва қоидаларни мужассамлаштирган ҳужжат сифатида амалиётда катта қулайликлар яратаяпти.

2008 йилдан эътиборан кучга кирган мазкур кодексда солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқлари кенгайтирилиши билан бирга солиқ тўлашнинг мажбурийлиги, аниқлиги, адолатлилиги, ягоналиги тамойиллари, шунингдек, солиқ тўловчининг ҳақлиги презумпцияси принципи ўз ифодасини топган.

Солиқ соҳасидаги бу янгилик ва ўзгаришлар Олий суд Пленуми томонидан қабул қилинган "Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаганлик учун жавобгарликка оид қонунчиликнинг судлар томонидан қўлланилиши тўғрисида"ги қарорида ҳам ўз ифодасини топиши билан бирга солиқ қонунчилигини судлар фаолиятига татбиқ этиш билан боғлиқ қатор масалаларга тегишли аниқликлар киритилди.

Жумладан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 174-моддасининг 1-қисми ва Жиноят кодексининг 184-моддасида белгиланган қоидаларга мувофиқ фойда (даромад) ёки солиқ солинадиган бошқа объектларни қасддан яшириш, камайтириб кўрсатиш, шунингдек, солиқлар ва бошқа тўловларни қасддан тўламаслик ҳолатлари солиқлар ва тегишли мажбурий тўловлардан бўйин товлаш ҳисобланади.

Бундай ҳолатда тўланмаган солиқ анча миқдорни ташкил этмаса ва бу биринчи марта содир этилган бўлса, маъмурий жазо қўлланилади. Агар шахс маъмурий жазо қўлланилганидан сўнг бир йил давомида шундай қилмишни такроран содир этса ва анча миқдорни ташкил этса, у ҳолда Жиноят кодексининг 184-моддаси 1-қисми бўйича жиноий жавобгарлик белгиланади.

Солиқ тўловчи ўз хатоларини солиқ текшируви бошлангунга қадар ўзи мустақил равишда тузатган тақдирда ҳам маъмурий ва жиноий жавобгарликдан озод қилинади.

Айтиш жоизки, қонун асосида белгиланган солиқлар, маҳаллий йиғимларни тўлаш ҳар бир фуқаронинг конституциявий бурчи ҳисобланади. Аммо ҳаётда баъзан зиммасидаги бурч ва мажбуриятни унутиб қўядиган кимсалар ҳам учраб туради.

Масалан, "МІК" хусусий корхонаси директори лавозимида фаолият юритиб келган Ш.Камоловни ҳам шундай кимсалар тоифасига қўшиш мумкин. Гап шундаки, у хусусий корхонага қарашли автомобилларга газ тўлдириш компрессор шохобчаси орқали сиқилган газни сотишда қонун талабларини қўпол равишда бузган ва белгиланган солиқлар ҳамда кўп миқдордаги мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлаш жиноятини содир этган.

Шу ўринда ўз манфаатини ҳамма нарсадан устун қўядиган Ш.Камоловнинг қилмишларига батафсил тўхталиб ўтадиган бўлсак, аслида у белгиланган тартибга кўра, "Avtogazta`minot" ШҚдан сиқилган табиий газ олиш ва уни истеъмолчиларга "Avtopilot" русумли газ ўлчаш воситасида сотиши керак эди. Энг асосийси, "Avtopilot" русумли газ ўлчаш воситаси давлат қиёслов кўригидан ўтказилган, соз ва белгиланган тартибда тамғаланган бўлиши талаб этилади. Бу амалдаги "Метрология тўғрисида"ги қонуннинг 1-моддаси ва бошқа меъёрий ҳужжатларда белгилаб қўйилган.

Бироқ Ш.Камолов юқорида қайд этилган тартиб-қоидаларга риоя қилиш ўрнига қинғирлик йўлини тутади. У "Avtopilot" газ ўлчаш воситасини 2010 — 2012 йилларда давлат қиёслов кўригидан ўтказмай, тамғалатмай, носоз ҳолатда фойдаланиб келади, яъни ўз манфаатини ўйлаб, қасддан шундай йўл тутади. Оқибатда сотилган газ ҳажми "Avtopilot" газ ўлчаш воситаси ҳисобга олган газ ҳажмидан ортиб кетади. Аниқроқ айтганда, Ш.Камолов қасддан содир қилган жиноий ҳаракатлари билан 224 миллион 642 минг 230 сўмлик, яъни жуда кўп миқдордаги табиий газни талон-торож қилади.

Бундан ташқари Ш.Камоловнинг солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаганлик борасидаги жиноий қилмишларини эшитсангиз, беихтиёр таажжубга тушасиз.

Yangi qonun mohiyati

Йўқолган жиноят иши

ёки унинг материалларини тиклашнинг ҳуқуқий асоси яратилди

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Энг муҳими, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан, Жиноят-процессуал, Фуқаролик-процессуал ҳамда Хўжалик процессуал кодекслари, шунингдек, "Судлар тўғрисида"ги, "Прокуратура тўғрисида"ги, "Адвокатура тўғрисида"ги қонунлар тубдан қайта кўриб чиқилиб, демократик принциплар, адолат ва инсонпарварлик тамойиллари асосида ишлаб чиқилди. Пировардида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишнинг кафолатлари яратилиб, йилдан-йилга такомиллашиб бормоқда.

Одил судлов тамойилларини ривожлантириш, судда иш юритишни ва ишларни кўриб чиқишни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, ишларни юритишнинг тезкорлигини ошириш, шу билан бирга, алоҳида муҳим йўналиш сифатида процессуал қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш ислоҳотлар тизимида муҳим йўналишга айланди.

Жорий йилнинг 5 сентябрь куни матбуотда эълон қилинган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун ҳам айни юқорида таъкидланган муҳим жиҳатларни қамраб олган. Мазкур қонун билан Жиноят-процессуал кодекси йўқолган жиноят ишини ёки унинг материалларини тиклашга оид қоидаларни белгиловчи 348[1]-модда билан тўлдирилди.

Жиноят ишининг йўқолиши бу — жуда кенг тушунча бўлиб, жиноят иши, масалан, ёнғин, сув тошқини ёки сув босиши, ер қимирлаши ёки бир жойдан иккинчи жойга кўчиш, ташиш вақтида йўқолиши мумкин. Жиноят иши материлларининг йўқолиши эса, жиноят ишидаги алоҳида ҳужжатни йўқотиб (тушириб) қўйиш, йўқолиши ёки тушиб қолиши, шунингдек, йўқотиш каби ҳаракатлар орқали содир этилиши мумкин. Чунки жиноят иши ёки унинг материлларини йўқотиш жиноий жавобгарликдан қочишнинг йўлларидан бири ҳисобланади.

Амалдаги процессуал қонунчиликда йўқолган жиноят ишини ёки унинг материалларини тиклаш тартибига оид қоида, шунингдек, дастлабки тергов ва суд органларининг тиклаш бўйича ҳаракатларини, қабул қилинадиган ҳужжатлар, уларнинг субъектларини (терговчи, прокурор, суд ва бошқалар) аниқ кўрсатувчи қоидалар белгиланмаган эди. Шунингдек, Йўриқнома ёки бошқа ички ҳужжатларда ҳам фақат жиноят ишининг сақланишига оид қоидалар белгиланганлиги боис тиклаш фақат умумий қоидаларга асосланиб, ишчи тартибида амалга оширилар эди.

Процессуал ҳужжатларни тузишга бўлган талаб ошган бугунги кунда йўқолган жиноят ишларининг тартибсиз тикланиши айрим ҳолатларда далилларнинг тўлиқ тикланмаслиги ёки сохта далилларнинг пайдо бўлиш хавфини келтириб чиқариши мумкин.

Шу боис, бу жараёнда жиноят ишини тиклашнинг бошланғич вақтини, муддатларини, олдин қабул қилинган ҳужжатларни тасдиқлатиш, сақланган материаллардан фойдаланиш, қўшимча терговга қайтариш ёки тергов ҳаракатларини қайта ўтказиш, тикланган жиноят ишида далиллар чегарасини белгилаш каби муҳим жиҳатларни эътиборга олиш лозим.

Суд-тергов амалиёти таҳлили шуни кўрсатадики, жиноят иши ёки унинг материаллари асосан дастлабки тергов босқичида, жиноят иши бўйича суд муҳокамаси вақтида ёки архивда йўқолиши мумкин.

Шунинг учун ҳам Жиноят-процессуал кодексига киритилган янги моддада йўқолган жиноят иши ёки унинг материалларини тиклаш прокурорнинг қарорига кўра, жиноят иши ёхуд унинг материаллари судда йўқолган тақдирда эса, ижро этиш учун прокурорга юборилади-ган суд ажримига кўра, амалга оширилади, деб белгилаб қўйилди. Яна бир муҳим қоида, яъни агар йўқолган жиноят иши бўйича қамоқда сақлашнинг ёки уй қамоғининг охирги муддати тугаган бўлса, айбланувчи дарҳол озод қилиниши кераклиги мустаҳкамланди.

Дастлабки тергов вақтида жиноят иши ёки унга тегишли материалларнинг сақланишига суриштирувчи, терговчи, прокурор, агар жиноят иши архивда бўлса, архивчи, суд муҳокамаси даврида эса, судья, девонхона мудири, котиб ва суд архив ходими масъул шахслар ҳисобланади. Жиноят иши ёки унинг материаллари мазкур субъектларнинг эҳтиётсизлиги ёки уларга боғлиқ бўлмаган табиий офатлар оқибатида йўқолиши, айрим ҳолатларда уларнинг ёки ишдан манфаатдор бошқа шахсларнинг қасддан қилинган ҳаракатлари билан йўқотилиши мумкин.

Шунинг учун дастлабки тергов ва суд муҳокамасига масъул субъектларнинг жиноят иши ва материалларнинг бут сақланишига бўлган масъулиятини ошириш, шу билан бирга уларни сақланиш шароитларини яхшилаш, яъни сақланадиган биноларнинг ҳимояланганлик даражасини ошириш, темир ёки пўлат сандиқлар билан етарли даражада таъминлаш, жиноят иши билан таништирув жараёнларида эҳтиёткорликни ошириш талаб этилади.

Йўқолган жиноят ишини тиклашда, аввало, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи, ҳимоячи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакилларини аниқлаш; суд, прокуратура, бошқа тергов органлари, экспертиза марказлари, тезкор-қидирув бўлимларида йўқотилган жиноят ишининг асл ҳужжатлари ва унинг нусхаларини (алоҳида иш юритув асосида сақланадиган), бу органлар ва уларнинг мансабдор шахсларига иш юритаётган суриштирувчи ёки терговчи устидан келиб тушган мурожаатлар; жиноят ишида мавжуд бўлган, тегишли ташкилотлардан олинган фактик маълумотларни (судланганлик ҳақидаги маълумот, профилактик ҳисобда туриши ва ҳ.к.) қайтадан сўраб олиш; "хотира бўйича" айрим ҳужжатларни тиклаш, масалан, терговчининг айрим ёзма қарорларини тиклаш; техника воситалари (компьютер, фотоаппарат, аудио- ва видеоёзув мосламалари) орқали олинган ҳужжатларни ва бошқа маълумотларни тиклаш; биринчи олинган фактик маълумотларни тиклаш мақсадида тергов ҳаракатлари ўтказиш ва суриштирувчи, терговчи, суд билан боғлиқ тегишли ҳаракатларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Қонун билан Жиноят-процесуал кодексига йўқолган жиноят ишини ёки унинг материалларини тиклашга оид асосий қоидалар белгиланганлигидан келиб чиқиб, биринчи, масъул субъектлар жиноят иши ёки унинг материалларининг сақланишига бўлган талабларни кучайтиришлари, масалан, тергов хонаси, архивнинг ҳимояланганлиги, пўлат ёки темир сандиқларнинг етарли даражадалиги, шунингдек, жиноят иши билан танишиш вақтида масъул шахсларнинг эътиборини янада ошириш, иккинчидан, дастлабки тергов органи ва судлар ўзларининг жиноят иши ёки унинг материалларини тиклашда терговчи, прокурор ва судьянинг ҳаракатларини кетма-кетлик асосида батафсил очиб беришга қаратилган ички ҳужжатларни қабул қилишлари мақсадга мувофиқ бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, жиноят-процессуал қонунчилигида йўқолган жиноят ишини ёки унинг материалларини тиклашга оид аниқ қоидаларнинг белгиланганлиги дастлабки тергов ва судда нотўғри ёки сохта далиллар вужудга келишининг олдини олади, пировардида жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқлари тўлиқ таъминланишига хизмат қилади.

Нодир МУХТОРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бўлим бошлиғи, юридик фанлар номзоди

Qonun ko`magi

Тадбиркорлар ҳуқуқи ҳимояси йўлида

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Айниқса, бу борада мустаҳкам қонуний асосларнинг яратилгани амалда кутилган самараларни бермоқда. Хусусан, "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги қонунлар бу борадаги муносабатларни тартибга солишда ғоятда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунингдек, Президентимизнинг 2011 йил 23 августдаги қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисида"ги Низомга асосан, адлия тизими ходимлари зиммасига тадбиркорлик субъектларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва бузилган ҳуқуқларини тиклаш, улар фаолиятига асоссиз аралашувларнинг олдини олиш каби ғоятда муҳим вазифалар юклатилган.

Мазкур вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Андижон вилояти адлия бошқармаси томонидан ҳам зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2014 йилнинг ўтган олти ойи мобайнида мониторинг асосида 38 та маҳаллий давлат ҳокимият органи ва назорат тузилмаларида ўрганишлар ўтказилди. Натижада бир қатор қонунбузилиши ҳолатига йўл қўйилгани аниқланди ва тадбиркорлик субъектларининг манфаатларини кўзлаб, тегишли ташкилотларга 58 та тақдимнома, 101 та огоҳнома ва кўрсатма киритилди. Шунингдек, судларга тадбиркорлик субъектлари манфаатларини кўзлаб, 1 684 664 576 сўм ундириш тўғрисида 54 та даъво аризаси киритилди.

Шунингдек, адлия бошқармаси томонидан тадбиркорлик субъектларининг мурожаатларини ўз вақтида кўриб чиқиш ва қонуний ҳал этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мисол учун адлия бошқармасига "Саркор қурилиш ҳамкор" хусусий корхонаси раҳбари ариза билан мурожаат қилиб, "Сўфиқишлоқ пахта тозалаш" ОАЖдан етказиб берилган пахта хомашёси учун тўловни ундиришда амалий ёрдам беришни сўраган. Ушбу мурожаатни ўрганиш жараёнида шу нарса маълум бўлдики, ҳақиқатан ҳам, хусусий корхона билан "Сўфиқишлоқ пахта тозалаш" ОАЖ ўртасида 2-сонли шартнома имзоланган. Ушбу шартнома шартлари хусусий корхона томонидан тўлиқ бажарилган бўлса-да, "Сўфиқишлоқ пахта тозалаш" ОАЖ хомашё ҳақини тўлаб беришни пайсалга солиб келган. Адлия бошқармаси ушбу ҳолат юзасидан Андижон вилояти хўжалик судига даъво аризаси киритди ва суднинг 2014 йил 7 июлдаги ҳал қилув қарорига асосан, тадбиркорлик субъекти фойдасига хомашё ҳақи ва пеня ундириш тўлиқ таъминланди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, юртимизда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари кафолатли ҳимоя қилинаётгани турмушимиз фаровонлигини янада оширишга хизмат қилади.

М.КАРИМОВ,
Андижон вилояти Адлия бошқармаси бўлим бошлиғи

ва мажбурият

уни ўз вақтида тўлиқ адо этиш юзни ёруғ қилади

Гап шундаки, ўтган йилнинг ноябрь ойида солиқ идораси ходимлари томонидан "МІК" хусусий корхонасида солиқ ва мажбурий тўловларнинг бюджетга тўғри ҳисобланиши ва ўз вақтида ўтказилиши юзасидан ўтказилган текшириш жараёнида хусусий корхонанинг автомобилларга газ тўлдириш компрессор шохобчасига ўрнатилган "Avtopilot" газ ўлчаш воситаси 2012 йилнинг 1 ноябридан 2013 йил 16 январь кунигача носоз ҳолатда, яъни белгиланган тартибда тамғаланмаган ҳолда ишлатиб келингани маълум бўлди.

Бунинг оқибатида 628.387 куб-метр миқдоридаги табиий газ талон-торож қилинган. Сотувдан тушган 395 миллион 883 минг 810 сўм эса, ҳеч қаерга кирим қилинмаган.

Бунинг натижасида жисмоний шахслардан транспорт воситалари учун бензин, дизель, газдан фойдаланганлик солиғидан 125 миллион 677 минг 400 сўм ва ягона солиқдан 13 миллион 510 минг 320 сўм тўланмай қолган.

Бундан ташқари "Ўзнефтгазинспекция"си мутахассислари томонидан хусусий корхонанинг автомобилларга газ тўлдириш шохобчасида табиий газга нисбатан технологик йўқотишлар ва ўз эҳтиёжи учун табиий газнинг ҳисобдан чиқарилиши юзасидан ўтказилган текшириш жараёнида ҳам Ш.Камоловнинг қилмишлари ошкор бўлиб қолди. Ш.Камолов томонидан хусусий корхонада 2009 — 2012 йиллар мобайнида жами 499.991 минг куб метр ҳажмдаги табиий газ меъёрдан ортиқча ҳисобдан чиқарилган. Айтиш керакки, ҳисобдан чиқарилган бу табиий газ "ҳавога учиб кетмаган", аксинча, истеъмолчиларга нақд пулга сотилган. Аммо сотувдан тушган 323 миллион 157 минг 307 сўм солиқ идорасига топшириладиган ҳисоботларда атай камайтириб кўрсатилган. Бунинг натижасида жисмоний шахслардан транспорт воситалари учун бензин, дизель, газдан фойдаланганлик солиғидан 85 миллион 469 минг 980 сўм ва ягона солиқдан 14 миллион 288 минг 612 сўм тўланмасдан қолган.

Албатта, ҳаётда ҳар қандай жиноий қилмиш жазосиз қолмайди. Ш.Камолов ҳам ўз нафси йўлида қўл урган қилмишлари учун қонун олдида жавоб беришига тўғри келди. У бу қилмишлари ўзига жуда қимматга тушишини англаган кўринади, шекилли, тергов жараёнидаёқ етказган моддий зарарни тўлиқ қоплади.

Биринчи босқич суди судланувчи Ш.Камоловни Жиноят кодексининг 167-моддаси 3-қисми "а" банди ва 184-моддаси 3-қисми билан айбдор деб топди. Суд Олий суд Пленумининг 2004 йил 21 майдаги "Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида"ги қарори 9-бандидаги "Жиноят кодекси Махсус қисмининг қатор моддалари нормаларида муайян шарт мавжуд бўлиб, унга кўра, Жиноят кодексининг 167, 168, 170, 184-моддаларида назарда тутилган жиноятлар учун — жиноят оқибатида етказилган моддий зарар қопланган тақдирда, маҳкумга нисбатан озодликдан махрум қилиш тариқасидаги жазонинг қўлланилиши истисно этилади" деган талабга амал қилди.

Суд судланувчи Ш.Камоловга айбланган ҳар бир модда бўйича алоҳида-алоҳида ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлаб, Жиноят кодексининг 59-моддасига асосан тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан ойлик иш ҳақининг ўттиз фоизи миқдорида давлат фойдасига ушлаб қолган ҳолда уч йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлади. Шунингдек, у икки йил олти ой муддатга мансабдорлик ва моддий жавобгарлик ишларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилди.

Хулоса ўрнида айтганда, ҳаётда ҳар қандай қилмиш эртами-кечми барибир ошкор бўлади. Солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўламаслик, фойда (даромад)ни ёки солиқ солинадиган бошқа объектларни қасддан яшириш, камайтириб кўрсатиш, шу каби солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлашнинг оқибати яхшилик билан якун топмайди. Шундай экан, қонунчиликда белгиланган солиқ ва мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаган, бурч ва мажбуриятини адо этган ҳар бир фуқаро, хўжалик юритувчи субъект раҳбари ҳеч қачон кам бўлмайди.

Акбарали ТУРАБОВ,
жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят суди раисининг ўринбосари
Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
"Куч — адолатда" мухбири

E`tirof

Ўзбекистон пахта толасининг халқаро эътирофи



(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Сўнгги 10 йилда Ўзбекистон пахтасини экспорт қилиш географияси анча кенгайди. Масалан, 2000 йилда юртимиз далаларида етиштирилган ҳосил асосан Европа давлатларидаги бозорларда сотилган бўлса, кейинги вақтда Хитой, Бангладеш ва Жануби-Шарқий Осиёнинг бошқа мамлакатларига ҳам экспорт қилинмоқда.

Буни мутахассислар, энг аввало, ўзбек пахта толасининг сифат кўрсаткичлари юқорилиги, айни чоғда тўғри экспорт сиёсати юритилаётгани билан изоҳлашмоқда. Бинобарин, жаҳон пахта бозорининг асосий иштирокчиси — Ўзбекистонда оқилона экспорт сиёсати юритилаётгани, барча харидорларга тенг имконият яратилгани, сифатли хом ашё етиштириш, уни қайта ишлаш ва етказиб бериш бўйича ўзига хос қулай тизим мавжудлиги муваффақиятларни янада мустаҳкамлаётир.

Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан пахта етиштириш, уни қайта ишлаш, сифатли сақлаш ва харидорларга етказиб бериш борасида ўзига хос тизим яратилди. Натижада халқаро бозорда савдолар фаоллашган ҳозирги пайтда толамизни харид қилиш умидида юртимизга ташриф буюраётганлар сафи тобора кенгайиб бораяпти.

"Ўзэкспомарказ"да жорий йилда мамлакатимиз пахта заводлари томонидан ишлаб чиқарилган барча тола намуналари намойишга қўйилди. Чет эллик экспертларнинг таъкидлашича, Ўзбекистон пахта саноатида амалга оширилган таркибий туб ўзгаришлар юртимизда етиштирилган пахта толасининг жаҳон бозоридаги нуфузи ва рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Бремен пахта ассоциацияси ва Пахта бўйича халқаро маслаҳат қўмитаси аъзоси бўлган "Сифат" Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш марказининг "Ўзпахтасаноат" уюшмаси билан биргаликдаги саъй-ҳаракатлари самарасида пахта ҳамда тайёр пахта маҳсулотларини таснифлаш тизимининг такомиллаштирилгани тола сифатини янада оширишга хизмат қилмоқда. Марказ ва унинг ҳудудий лабораторияларида тола хусусиятлари замонавий HVI юқори технологик тизими ёрдамида текширилмоқда. Истеъмолчилар бундай текширув натижаларига тўлиқ ишонади. Негаки, ушбу тизим энг юқори халқаро талабларга жавоб беради.

Давлатимиз раҳбари яқинда Андижон вилоятига ташрифи чоғида пахта далаларида бўлиб, фермерлар, вилоят фаоллари билан суҳбатлашиш асносида қайд этганидек, "Собиқ тузум даврида Ўзбекистон бутун иттифоқни пахта билан таъминлаган. Лекин шунга яраша ҳурмат, рўшнолик кўрмаган. Халқимиз ишдан қўли совиб, ҳаётдан ноумид бўлиб қолган эди. Биз ерни одамларга бериб, уларда эгалик ҳиссини шакллантириш орқали бу асоратлардан халос бўлдик. Чунки ўзимизники деган туйғу одамга куч-қувват бағишлайди".

Ҳақиқатан ҳам, республикамизда 90-йилларда пахта толасини қайта ишлаш ҳажми атиги 7 фоизни ташкил қилган бўлса, соҳада амалга оширилаётган чора-тадбирлар самарасида 2011 йил охирида бу кўрсаткич 40 фоизга етди. Экспертларнинг таъкидлашича, 2016 йилда Ўзбекистонда пахта толасини қайта ишлаш кўрсаткичи 60 фоизга етиши лозим.

Мамлакатимизда пахта экспортини хомашёдан юқори қўшимча қийматга эга тайёр маҳсулотга босқичма-босқич йўналтириш енгил саноат имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилаётир. Бугунги кунда "Ўзбекенгилсаноат" давлат акциядорлик компанияси таркибида қарийб 300 корхона фаолият кўрсатмоқда. Улар 385 минг тонна калава, 284,5 миллион квадрат метр газлама, 88,3 минг тонна трикотаж мато, 225,8 миллион дона тикувчилик-трикотаж буюмлари, 43,1 миллион жуфт пайпоқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга.

Шундай қилиб, жаҳон пахта бозорининг бу йилги Тошкент форуми кундалиги ранг-баранглиги билан унга ташриф буюрган тўқимачилик саноатидаги етакчи компанияларнинг 1000 нафардан зиёд трейдер ва вакилларида катта таассурот қолдирди.

Хорижлик инвесторлар ўз бизнесини мамлакатимиз билан боғлашга интилаётгани бежиз эмас, албатта. Чунки Ўзбекистон жаҳонда пахтачилик ва тўқимачилик тармоғи жадал ривожланаётган давлатлардан бири бўлиб, бу ерда етиштирилган юқори сифатли пахта толаси ташқи ва ички бозорда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришда муҳим омилдир. Тошкент халқаро ярмаркаси эса, толамизни ҳеч бир воситачисиз, тўғридан-тўғри сотиб олиш имкониятини туғдиргани, айниқса, қувонарлидир.

Мухтасар айтганда, икки кун давом этган X Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси саноатимизнинг жаҳон бозоридаги ўрнини янада мустаҳкамлаб, мавқеини яна бир поғона оширди. Бу нуфузли форум жаҳон пахта ҳамжамиятининг энг муҳим ва аҳамиятли тадбирларидан бири бўлиб, пахта толасини экспорт қилишнинг бозор механизмларини изчил ривожлантириш, ўзбекистонлик ишлаб чиқарувчилар ва хорижий харидорлар ўртасидаги иқтисодий алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши муқаррар.

Дилфуза РАҲИМБЕКОВА,
Бобомурод РАЙИМОВ

21-oktabr — «Davlat tili haqida»gi qonun qabul qilingan kun

Давлат тилига ҳурмат — ҳар биримизнинг бурчимиз

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)



Ҳар бир халқнинг маънавияти, ўзлиги, орзу-интилишлари унинг тилида яққол намоён бўлади. Истиқлол йилларида она тилимизга бўлган эътибор кучайди. География объектлар ўша ҳудуднинг ўтмиши, анъаналари, тарихий ўзига хослигига уйғун бўлган номлар билан атала бошланди. Маҳаллаларимизга тарихий атамалар билан бирга миллий ҳаёт тарзимиз, эзгу интилишларимизга мос бўлган "Мустақиллик", "Истиқлол", "Ўзбекистон", "Аҳил", "Ибрат", "Оқибат", "Ватанпарвар" каби номлар берилгани халқимиз учун айни муддао бўлди.

"Давлат тили ҳақида"ги қонунда Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тили экани мустаҳкамлаб қўйилган. Унга кўра, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида, идора ва ташкилотлар, корхоналар, муассасалар, жамоат бирлашмаларида иш юритиш, ҳисобкитоб, статистика ва молия ҳужжатлари, шунингдек, нотариал ҳаракатлар давлат тилида олиб борилмоқда. Фуқаролик ҳолатини қайд этувчи, шахснинг ким эканини ва унинг ҳуқуқларини тасдиқловчи ҳужжатлар она тилимизда расмийлаштирилмоқда. Ватанимиз ҳудудида яшовчи шахсларнинг давлат ташкилотлари ва муассасаларига, жамоат бирлашмаларига аризалар, таклифлар, шикоятлар билан давлат тилида ва бошқа тилларда мурожаат қилиш ҳуқуқи таъминланган.

Мамлакатимизда ўтказилаётган йирик анжуманлар, спорт мусобақаларида она тилимиз баралла янграмоқда. Бугун ўзбек тилидаги кўплаб сўзлар хорижликлар тилида кенг фойдаланилмоқда. Чет давлатларда японча-ўзбекча, корейсча-ўзбекча, туркча-ўзбекча, инглизча-ўзбекча, немисча-ўзбекча каби луғатлар нашр этилаётир. Ўзбек тили нафақат мамлакатимиздаги олий ўқув юртлари, балки чет давлатлардаги илмий марказлар, нуфузли университетларда қизиқиш билан ўрганилаётгани мамлакатимиздаги кенг кўламли ислоҳотлар, тараққиёт одимлари, тинч-осойишта ҳаётимиз хорижликлар томонидан эътироф этилаётгани ифодасидир. Она тилимизнинг илғор ахборот-коммуникация технологиялари, замонавий илм-фан йўналишлари, нанотехнологиялар, иқтисодиёт, банкмолия тизимида кенг ишлатилаётгани унинг имкониятлари нечоғли юқори эканидан далолатдир.

Қонунга мувофиқ, давлат тилини ўрганиш учун барча фуқароларга шарт-шароит ҳамда мамлакат ҳудудида яшовчи миллатлар ва элатларнинг тилларига ҳурмат билан муносабатда бўлиш таъминланиб, бу тилларни ривожлантириш учун зарур имкониятлар яратилмоқда.

Ўзбек тилининг фаол ривожланиши таъминланиб, унга халқаро миқёсда эътироф этилган илмий-техникавий ва ижтимоий-сиёсий атамаларни жорий қилишга катта аҳамият қаратилмоқда. Бу ўринда "Давлат тили ҳақида"ги қонун ижросини таъминлашга қаратилган давлат дастури асосида яратилган беш жилдли "Ўзбек тилининг изоҳли луғати" муҳим қадам бўлди. Унда тилимиз сўз бойлигининг бугунги ҳолати акс эттирилган. Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтида ушбу луғатни янада такомиллаштириш бўйича изчил ишлар олиб борилмоқда. Институт илмий жамоаси, олимларимиз томонидан кирилл ва лотин алифболарида тайёрланиб, нашр этилган "Ўзбек тилининг имло луғати" ҳам халқимизнинг тил маданияти ривожи учун хизмат қилиши шубҳасиз. Шу билан бирга, кўплаб таржима, этимологик, терминологик ва бошқа луғатлар тилимиз ривожи, нутқ маданиятининг такомилига кўмаклашишга хизмат қилаётир.

Институтда олиб борилаётган барча илмий изланишлардан мақсад она тилимизнинг ривожига хизмат қилишдан иборатдир. Шундай йирик илмий лойиҳалардан бири ўзбек тили лексикаси ва терминологиясининг мустақиллик давридаги тараққиёт тамойилларини ўрганишга бағишланган. Истиқлол йилларида тилимиз имкониятлари асосида бир қатор янги сўзлар пайдо бўлди, қанчадан-қанча эскирган деб ҳисобланган сўзлар истеъмолга олиб кирилди.

"Давлат тили ҳақида"ги қонунга кўра, корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот давлат тилидаги ва бошқа тиллардаги ёрлиқлар, йўриқномалар билан таъминланмоқда. Лавҳалар, эълон, нархномалар, бошқа кўргазмали ҳамда оғзаки ахборот матнлари давлат тилида расмийлаштирилиб, эълон қилиниши ҳамда бошқа тилларда таржимаси берилиши қонунга мувофиқ тарзда амалга оширилмоқда.

Бугун тобора обод бўлиб бораётган кўчаларимизда қонуннинг ушбу жиҳати қай тарзда таъминланаётгани ҳар қадамда сезилмоқда. Пойтахтимиз кўчалари, йўл ёқаларидаги баннерларнинг барча жабҳалардаги улкан марраларимизнинг, мамлакатимиз тараққиётининг дадил одимлари маъно-мазмунига уйғунлиги юртдошларимиз қалбига кўтаринкилик бағишлаши билан бирга, шукроналик, эртанги кунга ишонч туйғуларини тобора мустаҳкамламоқда.

Буюк бобокалонимиз Алишер Навоий номи билан аталувчи шоҳкўчадаги эълон ва рекламалар, плакатлар давлат тили ва рус тилларида келтирилган. Шу билан бирга, "Двери", "Магазин и буфет", "Печати и штампы", "Срочное фото", "Цветная печать", "Распечатка", "Пригласительные", "Переплет", "Ламинирование", "Визитки" каби эълонлар давлат тилида ҳам ёзилса, айни муддао бўлар эди. Хадра майдонидан метронинг Ғафур Ғулом номидаги бекатига томон юрсангиз "Аптека — три девятки, товары для здоровья, электронные тонометры, ингаляторы, детские принадлежности, всё для красоты, целебные травы", "Учебный центр", "Подготовка абитуриентов", "Языковые курсы", "Бизнес курсы", "Дошкольное обучение" каби ёзувларни кўрасиз ва озгина ранжийсиз.

Давлат тилига ҳурмат билан муносабатда бўлиш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

G'aroyib olam

Одатда, машҳур коллекционерлар нодир санъат асарларини, қадимий қўлбола заргарлик буюмларини тўплаши ҳеч кимга сир эмас. Аммо ҳаваскор коллекционерлар ҳам янгилик яратишда улардан қолишмайди. Улар орасида шундай антиқа нарсаларни тўплаган шахслар ҳам борки, бу ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди.

Биз билган ва билмаган дунё

АНТИҚА КОЛЛЕКЦИЯЛАР

Мисол учун Люксембургда истиқомат қилувчи Петер Пауль коллекцияси жуда ғаройиблиги билан ажралиб туради. У ҳар хил катталикдаги узоқ ва яқинни кўрсатадиган 480 та кўзойнак йиққан. Петер, айниқса, XVI асрда ишланган, қалпоққа ўрнатилган кўзойнаги билан фахрланади. Бирор нарса ўқимоқчимисиз, марҳамат, қалпоқни кийингда, мутолаа қилаверинг, дейди у. Айтишларича, бу кўзойнак ўз даврида жуда харидоргир бўлган, чунки ўша вақтларда шаҳар ва университетлардаги йирик кутубхоналар деярли иситилмаган. Шундай вазиятда шу қалпоқ-кўзойнак китобхонларнинг жонига оро кирган.

Николаевск вилоятида яшовчи Вадим Данилюк эса, фотоаппаратлар тўплашга ишқи тушган ишқибозларнинг энг машҳуридир. Ҳозирча унинг бисотида 100 дан ортиқ турли маркадаги фотоаппаратлар бор. Экспонатлар ичида энг қадимийси — 1882 йилда ишлаб чиқарилган фотокамера бўлиб, у кўпчиликка маълум бўлмаган фирманинг маҳсулотидир. Ҳайратланарлиси шундаки, энг қадимий, бироқ носоз фотоаппаратлар ҳам коллекционер қўлида сайқал топиб, қайта тикланиб, худди янгилари қатори ишга шай қилиб қўйилган.

Азал-азалдан одам ҳаёти учун хавфли саналган чаёнлардан аслида қўрқмаса ҳам бўларкан. Негаки, биров тегинмаса, у чақмайди, дейди Таиландинг чекка ҳудудида истиқомат қилувчи қишлоқ ўқитувчиси Пипат Сайсумет. Унинг сўзларига ишонса бўлади, чамаси. Чунки унинг уйи мамлакатнинг турли бурчакларидан тириклайин тутиб келтирилиб, боқилаётган минглаб ўргимчаксимонлар билан тўлиб-тошган.

Маълум бўлишича, унинг чаён йиғиш иштиёқига оддий воқеа сабаб бўлган. Бир куни фан бўйича амалий саёҳат пайтида ўқувчилар ногаҳон катта тош остида чаённи кўриб қолишади ва кўрқиб бақиришади. Ўқитувчи эса, табиат жонзотлари безарар эканини ҳар қанча уқтирмасин, фойдаси бўлмайди. Шунда уларни бирин-кетин йиғиб, уйига олиб келади ва парвариш қила бошлайди. Вақт ўтиши билан у чаён кўпайтириш йўли билан ҳам пул топиш мумкинлигини англаб етади. Айниқса, унинг ажойиб коллекцияси ҳақида маҳаллий телевидения орқали илмий-оммабоп кўрсатув берилгач, биолог-ўқитувчи машҳур бўлиб кетади. Айни пайтда Питатдан — чаёнларни сотиб олаётган япониялик мутахассислар улардан тиббиётда доридармон сифатида фойдаланишмоқда.

Италиялик тиббиёт ходими Кундо Небулонининг ҳам одатдан ташқари ишқибозлиги бор. У узоқ йиллардан буён қумларни коллекция қилади. Небулонининг тўплаган экспонатида нафақат Италияда, балки унинг ўзи меҳмон бўлган бошқа мамлакатлардан ҳам келтирилган бир-биридан фарқланадиган уч юздан ортиқ қумларнинг намунаси мавжуд. Дунёда энг майин қум, Кундонинг фикрича, Кубадан келтирилгани экан.

Америкада истиқомат қилувчи Альберн Блаустейннинг уйида 1400 бўлак турли хил совун мавжуд. Лекин буларни у ювиниш учун эмас, аксинча, коллекция учун тўплаган. Касби ҳуқуқшунос бўлган Альбернга иш юзасидан кўп "саёҳат" қилишга тўғри келади. Унинг хоббиси эса, меҳмонхоналарнинг номи туширилган совунларни йиғишдир.

Бразиялик Хосе Лопес Латеньос локомотивлар гудогини йиғиб юради. Неча йилдирки, у меҳнат таътилини қўлида магнитофон кўтарган ҳолда Лотин Америкасини сайр қилиш билан ўтказади. Ҳозирда унинг фонотекасида 400 хил локомотив гудоги — бардам техник овоз сақланмоқда. Улар орасида XIX аср паравозларининг ўзига хос вазмин гудокларидан тортиб, ҳозирги замон электровозларининг янгроқ овозларигача бирин-кетин тартиб берилган ажойиб "садолар сонатаси" мавжуд.

Ҳар хил нишонларни тўплашда Иозеф Дюнхубернда ўтадигани бўлмаса керак. Бовариянинг Алтёттинг шаҳрида истиқомат қиладиган бу ишқибоз ярим аср давомида 42 мингтадан ошиқ турли-туман нишон тўплашга эришган.

Венгриялик собиқ ҳарбий учувчи Шандар Фольди металлом билан савдо-сотиқ қилади. Бундан ташқари у ўзига хос машғулот билан ҳам шуғулланади, яъни ҳисобдан чиқарилган яроқсиз самолётларни йиғади. Ҳозиргача унинг коллекциясида 9 та самолёт мавжуд. У яқин келажакда мамлакатда ягона бўлган авиация музейини барпо этишга жиддий киришган.

Интернет материаллари асосида Шаҳло ХУДОЙБЕРГАНОВА тайёрлади.

Hikmat

Донолар дейдиларки

Ҳаёт — ҳаракат демакдир.

* * *

Тез гапиргандан кўра, ўйлаб гапириш афзал.

* * *

Китоблар бизни ўтмиш асрлар маънавий ҳаётининг ворисларига айлантиради.

* * *

Ҳ а л о л л и к , тўғрилик — катта бахт.

* * *

Одамларнинг муҳаббатини молу дунёнгиз билан эмас, одоб-у хушмуомалангиз билан қозонасиз.

* * *

Фазилат бизларни саодатга етказувчи бирдан-бир воситадир.

* * *

Курашда матонатли кишилар ютиб чиқади.

* * *

Ҳаётнинг мангу муаллими — тажриба.

* * *

Ҳар қандай доноликнинг замини — сабр-қаноат.

Jinoyatga jazo muqarrar

Эгри йўлнинг охири

юзшувутликка олиб келади

Мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама етук инсонлар қилиб тарбиялаш, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда. Юртимизда барпо этилган бир-биридан кўркам, замонавий спорт иншоотлари, маънавият ва маърифат марказлари, кутубхоналар келажагимиз ворислари бўлмиш ёшларнинг жисмонан соғлом, маънан етук бўлиб вояга етишига хизмат қилмоқда. Бироқ ҳаётда ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган баъзи иллатлар ҳам учраб туради. Шулардан бири — таваккалчиликка асосланган ўйинларга ружу қўйишдир.

Аслида маънавияти саёз, фақат ўзининг фойдасини ўйлайдиган айрим кимсалар таваккалчиликка асосланган ўйинларни қонунга хилоф равишда ташкил этиш ва уларда бевосита иштирок этиб, мўмай даромад топишга уринишади.

Таъкидлаш керакки, мамлакатимизда қимор ўйинларини ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ ноқонуний фаолиятнинг олдини олишга қаратилган зарур ҳуқуқий асослар яратилган. Хусусан, Президентимизнинг 2007 йил 28 мартдаги "Қимор ўйинларини ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ ноқонуний фаолиятнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 16 августдаги "Қимор ўйинларини ташкил этиш ва ўтказишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари, шунингдек, "Қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ҳамда ўтказишни тартибга солиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида" ги қонун шулар жумласидандир. Мазкур қонун ҳужжатларига кўра, Ички ишлар вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги, Бош прокуратура зиммасига тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда яширин қимор ўйинлари ташкил этиш ҳамда уларни ўтказиш учун қиморхоналарни ушлаб туриш ҳаракатларининг қатъий олдини олиш ва уларга чек қўйиш, шунингдек, ушбу ўйинлар ташкилотчиларининг ноқонуний фаолиятини тугатиш устидан таъсирчан назоратни таъминлаш вазифаси юклатилган.

Бундан ташқари Жиноят кодексининг 278-моддаси "Қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш" деб номланиб, унда шундай ўйинларни ташкил этиш ёки ўтказиш ҳамда шу мақсадларда қиморхона ташкил этиш ёки уларни сақлаш, вояга етмаган шахсларни шундай ўйинларга жалб қилган шахс ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғи провайдерлари томонидан хизматлар кўрсатиш ёки хизматлар кўрсатишга кўмаклашиш, тегишли дастурий таъминотдан нусха олиш, уни кўпайтириш, тарқатиш учун дастурий таъминотни нашр қилганлик, кўпайтирганлик, тарқатганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Шу ўринда ҳаётий мисолга эътибор қаратадиган бўлсак, шаҳрисабзлик Баҳодир Парпиев (исм-шарифлар ўзгартирилган) отасига тегишли савдо фирмасига қарашли иссиқхона қоровулхонасида қиморхона ташкил этиб, мўмай даромад топишга уринади. Хусусан, у танишлари Ғ.Фозилов, К.Имомов, Ш.Собиров, Б.Одилов ва А.Мардоновларни қимор ўйинига жалб қилиб, уларга мазкур ўйинни ўтказиш учун шароит яратиб беради ва эвазига ҳар бир иштирокчидан ҳақ олади.

Қисқаси, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари томонидан Б.Парпиевнинг қоровулхонада Ғ.Фозилов ва К. Имомовларга қимор ўйнаши учун шароит яратиб берганлиги аниқланиб, воқеа жойидан 5 дона "Poker" ёзувли 36 доналик карталар, Б.Парпиевдан 22 500 сўм, Ғ.Фозиловдан 25 000 сўм ва К.Имомовдан 432 000 сўм пул гувоҳлар иштирокида тегишли тартибда ҳужжатлаштириб олинади. Судланувчи Б.Парпиев ўзининг ушбу жиноий ҳаракатлари билан Жиноят кодексининг 278-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган.

Шунингдек, ушбу туманда истиқомат қилувчи Икром Жалоловнинг қилмиши ҳам Б.Парпиевникидан қолишмайди. Гап шундаки, И.Жалолов ўз уйида қиморхона ташкил этиб, таниш-билиши ва ҳамқишлоқларини "ўйин-"га чорлайди. Эвазига ҳар бир иштирокчидан 3-4 мингдан йиғиб олар, кундан-кунга "фаолият"ини кенгайтириб, кўпроқ фойда олишни ўйларди. Бироқ жорий йилнинг 4 феврал куни тегишли идоралар томонидан олиб борилган тезкор тадбир натижасида унинг қилмишига чек қўйилди. Шу куни унинг хонадонида тўққиз кишидан иборат иштирокчининг қимор ўйнаб турганлиги фош бўлиб, ўйин учун ишлатиладиган зарур ашёлар ва пул маблағлари расмийлаштирилиб, олиб қўйилди. Суд юқоридаги ҳар иккала жиноятчига ҳам қонуний жазо тайинлади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, бу ҳаётда инсон фақат эзгу ва савоб ишлари билан обрў-эътибор топади. Турли хил иллатларга ружу қўйиш, ноқонуний ишларга қўл уриш эса, охир-оқибат юзшувитлик билан якун топади. Буни ҳеч қачон унутмаслик керак.

Наврўз АШУРОВ,
жиноят ишлари бўйича Китоб тумани судининг раиси
Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,
"Куч — адолатда" мухбири

Куч—адолатда

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодиқул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Шоюнус ГАЗИЕВ
Мавжуда РАЖАБОВА
Кўчқор ТОҒАЕВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Замира ЭСОНОВА
Холмўмин ЁДГОРОВ
Ғайрат ХИДОЯТОВ

Навбатчи муҳаррир:
Сардор ҲАМРОЕВ
Саҳифаловчи:
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1-уй.
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Тел.: (8 371) 239-02-54, 241-01-56

Буюртма: Г-1022. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 7545.
1 2 3 4 5 Топшириш вақти: 20⁰⁰ Топширилди: 22⁰⁰